

3.000.000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 223 (4214).

11
НОВАБР

СЕШАНБА
1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

БУХОРО ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бухоро области колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари пахта тайёрлаш давлат планини 8 ноябрда мўддатдан олдин бажардилар. Тайёрлаш пунктларида 348 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди, бу пахтанинг 90 процентта яқини биринчи сортларга қабул қилинди.

Янги ташкил этилган Шойриқон районининг пахтакорлари 33 минг тоннадан кўпроқ етик планнинг 115 процентини миқдоридан пахта тайёрлаб, маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Ромитан райони меҳнатчилари катта хирмонга 47 минг тонна

дан кўпроқ пахта тўкиб, давлатнинг план-заказини 3 ноябрда бажариб, ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Кониҳ, Бухоро, Гийдувон ва Қорақўл районларининг хўжаликчилари пахта тайёрлаш планини бажаришдаги тўғрисида мўддатидан олдин рапорт бердилар.

Область пахтакорлари В. И. Ленин тутилган куннинг юз йиллигига муносив соғва тариқасида қўшимча равишда яна камиди 70 минг тонна пахта териб давлатга топширишга қарор қилдилар.

ЯНА ИККИ КОЛХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

«ОЗОД» КОЛХОЗИ

Оққўрғон районидagi пешадам хўжаликлардан бири бўлган «Озод» колхоз деҳқонлари ҳам зафар кўчдилар. Йил бўйи ушбу қўллик билан меҳнат қилган пахтакорларнинг кўтарган ҳосили баракали бўлди. Майдонларда етиштирилган ҳосил мўлжалдагидан ошиб кетди.

715 гектар майдондан юқори ҳосил олишни кўзлаган пахтакорлар шу кунгача 1613 тонна юқори сортли пахта йиғиб олдилар. Олинган пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди.

Колхоз пахтакорлари пахта теримида машинага алоҳида эътибор бердилар. Механизаторларнинг гайрат билан меҳнат қилганининг туфайли бутун ҳосилнинг 85 процентини «зағори кема»лар бунеридан тўкиди. Бу ишда механизаторлардан Дусан Фармонов, Миргани Ҳасанов, Мансур Чингулатов, Абдулов Ҳайдаровлар алоҳида намуна кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 80 тоннага етказиб пахта териб қўйишди.

Йиғим-теримда пешадамлик қилган бригадалар сони ҳам оз эмас. Мамат Алиев, Абдулаббор Омонов, Маннон Набиев каби бригада пахтакорлари йиғим-теримда жонбонлик кўрсатиб йиллик пахта тайёрлаш планини 100—118 процентта етказиб адо этдилар.

Колхоз пахтакорлари йиғим-теримини қизғин давом эттириб, яна эл хирмонига 360 тоннадан ортиқ пахта тўкишга қарор қилдилар.

НАВОИЙ НОМЛИ КОЛХОЗ

«Оқ олтин» учун курашда самарали меҳнат қилаётган хўжаликлардан бири Оққўрғон районидagi Навоий номли колхоз ҳисобланади. Бу колхоз деҳқонлари йил бўйи баракали меҳнат қилиб, катта ютуқни қўлга киритдилар. Пахта тайёрлаш планини мўддатидан илгари адо этилиб, эл хирмонига 2015 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тўкиди.

Пахтадан юқори ҳосил кўтарган колхознинг Ю. Беғенова, И. Холиқов, Т. Абдуқаторов ўртоқлар бошлиқ участка пахтакорлари биринчи участка қаторида зафар маррасига етиб келдилар. Участка деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш планини шу кунгача 122 процентдан ошириб юборишди.

Колхозда юқори ҳосилли зверонол сонин ҳам оз эмас. Ҳар гектар ердан 30—35 центнердан ҳосил кўтарган Ш. Абдурамонов, Т. Ҳайитов, А. Алимов бошлиқ зверонол шулар жумласига кириди. Азамат зверонол деҳқонлари яна эл хирмонига ҳар гектар ердан 8 центнердан ҳосил йиғиб-териб топшириш мажбуриятини олдлар.

Ҳосил чўғини чамалаб чиққан хўжалик пахтакорлари яна давлатга қўшимча 520 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

РАЙОНДА БИРИНЧИ

Янгиёулдан хушхабар келди. Районда биринчи бўлиб «Партия XXI съезди» колхозни аъзолари зафар маррасини ағалладилар.

Колхоз пахтакорлари ўзлари қарашли 720 гектар пахта майдонига бутун ёз бўйи мўлжалдаги ҳосилни кўтариш учун астойдил тер тўкидилар. Бу йилги об-ҳаво шароитининг оғир келишига қарамай, даладаги ғўзаларнинг серҳосил бўлиши учун бутун тажриба ва резервларни ишга солиди. Хўжаликдаги ҳар бир пахтакор, механизатор ва мутахассис улкан пахта хирмони яратиш йўлида эртаюк тимай меҳнат қилди.

Пахтакор деҳқонларининг қилган қаҳрамонона меҳнати самарали яқунда. Ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил кўтарилди. Йиғим-теримнинг намунали ташкил этилганлиги, хўжаликдаги ҳар бир деҳқон ва ишда яроқли киши пахта теримида ташаббус кўрсатиб ишлаганликлари туфайли йиллик план мўддатидан илгари адо этилди.


Эл хирмонига 1725 тонна ўрнига 1728 тонна пахта тўккан азамат пахтакорлар ва механизаторлар меҳнат зафарларидан руҳланиб, янада гайрат ва шижоат билан ишни давом эттирмоқдалар.

Уз имкониятларининг ҳисобга олиб, яна давлатга 300 тонна пахта сотишга қарор қилди. — дейди колхоз раиси Аҳмад Гафуров. — Даладаримизда ҳали ҳосил мўл. Пахтакорларимиз тимай меҳнат қилишнинг. Механизаторларимиз эса ўз «ўлат агрегат»ларини унумли ишлатиб, кун сайин хирмонга баракан киритмоқдалар.

Мирза-Раҳим Мирзаев, Саттор Жураев, Мелийов Сулононовлар ана шундай меҳнатсевар механизаторлар жумласига кириди. Бу азаматлар «Сўз бердикми, албатта бажарамиз», деган широр остида теримини ушшоққили билан давом эттирмоқдалар.

Янгиёул районидagi «Ленин» колхоз пахта далаларида йиғим-терим ишлари тез суръатлар билан олиб бориляпти. Колхознинг моҳир механизаторлари ўз агрегатларини унумли ишлатиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мирза-Раҳим Абдураҳмонов ҳам гайрат кўрсатиб меҳнат қилиб, «Ўзбекистон» маркали агрегат билан мавсумда 100 тоннадан ошириб пахта териш учун курашмоқда. Суратларда: (чапда) М. Абдураҳмонов, (ўғда) далада машина терими.

Б. Гафуров фотолари.



КҮМАКЧИЛАР

Азаматлар пешингача ярим тоннага яқин пахта теришди.

— Бошқа бригадаларининг ҳам мақтаса аргизулик ишламоқдалар, — гапга срашди колхоз экономисти Очил Олимов. — Ҳаким Муталимов, Мунаввар Илёсов бошлиқ бригада ўқувчиларидан ҳам кўнглимиз тўғ. Улар пахта хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу пайт этакларини пахтага тўлатиб олган бир гуруҳ ўғил ва қизлар картадан чиқиб келишди.

— Илғор теримчиларини сўраган эдингиз, мана, шулар бўлади, — деди ҳамроҳимиз, мактаб комсомол ташкилотининг секретари Анвар Пулатов. — Яна бир янгиликни айтиб қўй, кун-кеча биз бу тоғлиқларни пахта даласида туриб, комсомол сафига қабул қилдик.

Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлиб турганда, Анварнинг таъкидлаган сўзларини изоҳлаб берди.

— Мактабда пахта теримига чиқиш олдига йиғилиш ўтказдик. Шунда бир гуруҳ ком-

сомоллар ажойиб ташаббус билан чиқишди. Улар пахта кампаниясида меҳнат намуналарини кўрсатиб, жонбонлик қилган ўқувчиларни колхознинг ўзида комсомоллар сафига қабул қилишга даъват этишди.

Теримнинг биринчи куниданоқ ўқувчилар ўртасида уюштирилган мусобақа авжига чиқди. Ўғиллар илғорлар ҳар кун 70—80 килограммга етказиб «оқ олтин» тера бошладилар.

Кун-кеча ҳар бир ўқувчини мавсум бошидан бери терган пахтасини ҳисоблаб чиқиди. Зарбдорлар аниқлашди. Иккунча пайт комсомол ташкилотининг йиғилишини ўтказиб, унда 14 ўқувчини Ленин комсомол сафига қабул қилдик. Йилгидан Анвар шаҳар комсомол комитетининг секретари Анвар Шамсуддинов қатнашди.

Қаршимизда турган юзлари қувонча тўлиқ комсомол-шлар билан бирма-бир танишдик. Мамакат Мамадалиева, Ҳайри Мақсудова, Эргаш Маркаев, Олим Жураев, Қизилгул Эшматова, Жаннат Ҳамидова ва

Қизилгул Эралиева аниқлашди. Биз ўқишда ҳам ишда намуна кўрсатаётган бу жушқин қалбли ешларни комсомол сафига ўтганлари билан чин қўнғилдан табриқладик, ишда янги-янги муваффақиятлар тиладик.

Меҳнатнаш, ёш пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, ишлаб, катта хирмонга ўзларининг самарали ушшоқларини қўшаётган қўлбалли ешларини олиб олди. Мана, булар: 10-«Б» синфдан Муҳаббат Турдиева, 10-«А»дан Азиза Абдураимова ва Гулайхо Ботирова, 9-«Б»дан Тўйғуниса Мисирова ва Дилором Қўшбоеваларидир. Улар ҳар кун 70—80 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар.

— Мавсум бошидан бери терган пахтаимиз 100 тоннага етай деб қолди, — дейди директор. — Ўқувчилар бутун ҳосилни йиғиб-териб олгунча меҳнат қиламиз, демоқдалар. Мазкур мактабнинг иноқ

коллективни қўл йиллар мобайнида пахтакорларга мадад бериб келмоқдалар. Улар ўтган пахта кампанияси даврида Ўзбекистонда «Ўз» совхозиди пахта теришганди. Ҳар ўн кунда 75—80 тоннадан «оқ олтин» териб мактаблараро уюштирилган социалистик мусобақада Анвар шаҳри бўйича биринчи ўринни, областимиз бўйича иккинчи ўринни ағаллашга муяссар бўлишганди. Бу йилги кўрсаткичлар ҳам қувончлидир. Ҳозир 11, 17, 10, ва 9-мактаблараро уюштирилган мусобақада шу кунгача бу мактаб коллективни биринчилики олиб келмоқда. Ўқувчилар колхоз маъмурияти томонидан кўрсатаётган меҳнатлари учун муносиб рағбатлантирилмоқдалар. Ҳар ўн кунда терилган ҳосилни ҳисоблаб чиқиб, уларга қимматбахш буюмлар, шунингдек, ёдгорлик совғалари тақдим этилмоқда.

11-мактаб ўқувчиларининг далада кўрсатаётган шижоати ҳақиқатан ҳам ҳар қандай мақтовга сазовордир. Улар ҳозирги долзарб, синов давларида қўйинчиликларга бардош бериб, Ленин набирадарига хос бўлган мардлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

И. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон «Партия XIX съезди» колхозчи.



Ўрта Чирчиқ районидagi илғор хўжаликлардан бўлган Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари йиғим-терим ишларини ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам жадаллик билан олиб бормоқдалар. Ҳозир колхоз далаларида кўрак териш машиналари ишламоқда. Суратда: пахта даласида ишлатган С. КО-4 маркали кўрак териш машинасини кўриб турибсиз.

Қ. Розиков фотоси.



МУНОСИБ ҲИССА

Оққўрғон районидagi «Ленин» колхоз далаларида етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб, давлатга топшириш ҳаракати кундан-кунга қизиб бормоқда.

Буни колхознинг Хидирқул Даубаев бошлиқ 2-бригада даласида кўриш мумкин. Бригада беш йилликнинг тўртинчи йилида 125 гектар майдонга чигит эккан. Гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган.

Пахтакорлар ҳозир аҳдига яраша далаларда меҳнат қилишмоқда. Кунгача йиллик планга нисбатан 2—3 процент миқдоридан пахта топширишмоқда. Механик-ҳайдовчилардан Орал Бердиқулов шу кунгача 65 тоннадан кўпроқ пахта териб хирмонга тўқди. У мавсумда 80 тонна «оқ олтин» териб топшириш мажбуриятини олган бўлса, шу кунларда ҳам суръатини бўшақмай кунгача 2—3 тоннадан пахта тераяпти. Бригада хирмонига теримчилардан До-

нагул Медова, Жовқар Намазбаевлар кунгача 100—120 килограммдан дурдона тўкиб катта ҳисса қўшмоқда.

Далада ҳали ҳосил қўл, — дейди бригада бошлиғи Хидирқул ака. — Эндики вазифамиз қолган ҳосилнинг бир граммининг ҳам нобуд қилмай, давлат хирмонига топшириш. Бунинг учун кундан-кунга терим суръатини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

Бу колхозда йиғим-терим ишларига Оржоникидзе районидagi Тимирязев номли ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам кўмаклашмоқдалар. Ўқитувчилардан Р. Ҳужаева, З. Хожимуродова, А. Тожиёв бошлиқ синф ўқувчилари ўзaro социалистик мусобақа асосида қўлашяпти. Ўқувчилардан В. Турсунов, Ш. Махмудов, М. Усмонова каби қатор комсомоллар «оқ олтин» ишқиди меҳнат қилиб, кунгача 80—90 килограммдан пахта теришяпти.

А. РАЙМБОВ.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
10 НОВАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўт — районлар, иккинчи сўт — бир кунда, учинчи сўт — мавсум бошидан бери, тўртинчи сўт — бир кунда машинада терилган, бешинчи сўт — мавсум бошидан бун мавсумда терилган.

Оққўрғон	1,22	87,16	0,61	71,76
Янгиёул	1,25	85,83	0,75	50,50
Юқори Чирчиқ	2,12	70,93	0,44	63,98
Оржоникидзе	1,63	70,78		46,00
Ўрта Чирчиқ	1,08	70,58	0,72	48,00
Бекobod	1,29	60,86	1,20	29,92
Ўзбекистон	1,24	58,54	0,65	34,18
Область бўйича	1,27	72,96	0,72	49,60

Тонна ўғун

НОЗ-НЕЪМАТЛАР ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ҳаним Азимов, Рашид Ҳасанов бошлиқ бригада далаларида етиштириб, давлатга мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Бу бригада сабзавоткорлари ҳар гектар ердан планда белгиланган 160 центнер ўғунга 180 центнердан ҳосил йиғиб олиб, йиллик планларини ортиги билан адо этдилар.

Ҳаним Азимов бошлиқ бригада деҳқонлари хўжалигининг пешингача ишларидан биридир. Бригада деҳқонлари шу кунгача давлатга 480 тонна ўғунга 520 тонна ҳар хил сабзавот топшириб планнинг 110 процентдан ошириб бажардилар.

Шаҳарликлар дастурхонига мўл ҳил сабзавот маҳсулотлари етказиб беришда Мақсуд Азимов, Ҳошим Умаров, Гаин Эшонов каби аъзо деҳқонлари меҳнаткашларга ҳар йилгидан арзон ва сифатли маҳсулот етказиб бердилар.

Деҳқонларимиз 7 йил 100 гектар майдонга эртаги картошка эккан эдилар. Ана шу майдонларда қилинганлиги туфайли гектар бошига олинганда ҳосил 20 центнерга ошди. Яъни планда белгиланган 110 центнер ўғунга 130 центнердан юқори сифатли картошка олинди. Давлат плани ҳам

анча ортиғи билан бажарилди. 800 тонна ўғунга 880 тонна картошка топширилди.

Соҳибкорларимизнинг гайрати туфайли узум ва мевадан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. План бўйича шаҳарлик меҳнаткашларга 229 тонна маҳсулот етказиб бериш керак бўлса, шу кунгача биз 240 тоннадан ошиб мева сотдик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 70 центнер бўлди.

Шунингдек, полиз экинларидан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Планди 90 тонна ўғунга 145 тонна полиз маҳсулотлари тайёр-

ланиб, йиллик план 160 процент қилиб бажарилди.

Биз бир йилда икки мартаба ҳосил етиштириш тадбирларини кўрлямиз. Масалан, бу йил эртаги картошка ўғунга кечки сабзи ва қарам экилди. Эртаги пилз ўғунда эса кечки картошка етиштирилди. Деҳқонларимиз бу тадбирни қўллаб ер структурасининг яхшиланишига эришмоқдалар.

Юбилей йилида янада гайрат ва шижоат билан меҳнат қилган сабзавоткорларимиз ўз меҳнат ғалабаларини улуг доҳий В. И. Лениннинг кутлуг тўғига аруғдон қилдилар. Меҳнаткашлар дастурхонини янада тўқин-сочин қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиллавердилар.

3. ЖАЛИЛОВ.
Калинин районидagi Охунбобоев номли колхоз раиси.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИНЧА КООПЕРАТИВ ПЛАН АМАЛДА

Қишлоқ хўжалиги ирқимойи ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат, маҳсулотлари ва саноатини ҳомаш бўлиб таъминлашда бениҳоя катта роль ўйнайди. Бир вақтлар Карл Маркс «Озиқ овқат воситаларини ишлаб чиқариш бевосита ишлаб чиқарувчилар турмуши ҳамда умуман ҳар қандай ишлаб чиқариш учун энг биринчи шарт ҳисобланади» деб ёзган эди.

Деҳқонлар ер ўзи аҳолисининг қариб қўчилигини ташкил этади. Бироқ калиталастлар ва помещиклар ҳуқуқдорлик қилаётган жойларда деҳқонлар раҳбарлигида эҳтишотдаги объектлар. Бундай шароитда деҳқонлар жамият томонидан ҳеч қандай амалий ёрдам олмайдилар, уларнинг ўз таъини ва қувончлари ўзлари билан. Майда ва ўрта деҳқон хўжалиқларининг оммавий ҳонаварон бўлиш жараёни деярли барча капиталистик мамлакатлар учун хос хусусиятидир.

Бир неча мисол келтириб ўтамиз. Францияда кейинги вақтларда ҳар йили 50 минг деҳқон хўжалиги, Американинг Күшма Штатларида эса 110 минг фермер ҳонаварон бўлмоқда. Германия Федератив Республикасида 1948 йилдан 1965 йилгача 548 минг деҳқон хўжалиги ўз мол-мулкидан ажралди.

В. И. Ленин Улут Октябрь социалистик революциясининг галабасидан илгарийроқ ёган қатор асарларида фақат социализмни қишлоқ меҳнатчиларининг асрий қулини ва маълумлиқдан кутқариш, фақат социализмга уларга эркинлик ва моддий бойлик бериш ҳамда маданиятсизлик ва саводсизликдан ўзла-несил қутқилиб, ҳаётнинг кенг йўлига чиқиб олишга имкон туғдиради, деб кўрсатиб ўтган эди.

Шунинг учун мамлакатимизда социализм қурилишининг ленинча программасида деҳқонлар масаласи алоҳида ўрин эгаллаган. Маркс ва Энгельснинг аграр масала ҳақидаги назариясига асосланиб ва уни ривожлантириб, Ленин деҳқонларнинг социализмга кооперация орқали ўтиши тўғрисидаги бош планни ишлаб чиқди. Октябрь революцияси галабасидан кейин у помещикларни тугатиш, ери национализация қилиш ва деҳқонларга тақсимлаб бериш билан эксплуатация муносабатларини бутунлай тугатиш ҳамда деҳқонларни нақшонлик ва қулоқлар ҳуқуқидан бутунлай ҳалос этиш мумкин эмас, деб ёзди.

В. И. Ленин 1918 йили камбалаар комитети делегатлари олдига сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Бир бўлиб бериш фақат ийнинг бошланғичи учун яхши эди. Бунинг ўзи етарли эмас. Биринчи жамоат бўлиб ишлашга ўтиш зарур... Коммуналар, артель бўлиб келиш, деҳқонларнинг ҳамжўрлиги — бефойда майда хўжалиқдан қутилиш йўли, хўжалиқини

қўтариш ва яхшилаш, кичини тежаш ҳамда қулоқлар, техниклар ва эксплуатацияга қарши кураш воситаси ана шундандир».

Владимир Ильич Совет ҳокимияти деҳқонларни помещикларнинг икканжисидан озод қилиб ва уларга ер бериб, дала меҳнатчиларини ишчилар синфи билан қардошларча иттифоққа бириктиришга, деҳқонларга муносабатда ишчилар синфининг раҳбарлиги ролини таъминлаганлиги учун ҳам майда деҳқонларнинг йирик йиқими ишлаб чиқаришга ўтишлари оsonлашди, деб кўрсатган эди. Чундан ҳам мамлакатимизда тарихда биринчи марта деҳқонлар ишчилар синфининг раҳбарлиги ролини сўзсиз тан олдилар. Бу раҳбарлик қишлоқда социализмнинг галабасини таъминлашда ҳал қилувчи шарт бўлиб хизмат қилди.

Деҳқонларни ихтиёрий равишда социализм қурилишга жалб этиш йўли билан мамлакат қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш планни Лениннинг «Озиқ-овқат сояни тўғрисида» ва «Кооперация тўғрисида» мақолаларида аниқ белгилаб берилди. Владимир Ильич қишлоқда янги ишлаб чиқариш муносабатларини қурушга келтириш узоқ вақт талаб этади, деб ўргатибди. У деҳқонликнинг коллектив шаклига ўтиш бирдангина амалга олимаслигини таъкидлади. Бунинг учун майда деҳқонларни йирик социалистик хўжалиқларнинг афзаллигига ишонтириш зарур, деди. Лениннинг кооператив планига кооперациянинг ҳамма шакллари, дастлаб энг оддий шакли — матбулот, таъминот, кейинчалик ишлаб чиқариш кооперациясининг турли-туман формаларини ривожлантириш кўрсатиб ўтилди.

Туркистон республикасида қишлоқ хўжалик кооперациясини тугатиш 1923 йилдан бошланди. 1927 йилга келиб қишлоқ хўжалик кооперацияси қайта ташкил этилди ва унинг составидан махсус пахтачилик кооперацияси ажратиб чиқди. 1928 йилдаёқ умумий деҳқон хўжалиқларининг 92 проценти пахтачилик кооперациясига кирган эди. Пахтакорларнинг кооперация бундай кенг равишда жалб этилганлиги Лениннинг кооператив планига қўйилган вазифаларга мувофиқ келар эди.

Кооперация меҳнаткаш деҳқонларни хусусий капитал таъсиридан тамомлай озод этди ҳамда уларни социализм йўлига бошлади. Кооперацияга кирган деҳқонлар пахтанинг ҳаммасини шеркатлар билан тузилган контрактация шартномасига мувофиқ иқтисодий рағбатлантирувчи шартлар асосида давлатга сота бошладилар.

Владимир Ильич Ленин пролетариат диктатурасининг давлати қишлоқда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши, жамлаб техникавий, молиявий, маданий ёрдам бериши зарур, деб ҳисоблади. У ҳеч бир янги иқтисодий тузум давлатнинг молиявий ёрдамисиз обққа тура

олмайди, агар биз деҳқонларнинг коллектив корхоналарига давлат томонидан ёрдам кўрсатишни йўлга қўймас эканмиз, у ҳолда коммунист эмасмиз, деб ёзган эди. Лениннинг ана шу кўрсатмасига асосланиб, Совет давлати дастлаб йиллардан бошлаб кооперацияга кирган деҳқонларга қарағач, қалла, саноат товарлари, ўғит, қишлоқ хўжалик жиҳозларидан ёрдам берди.

Масалан, 1925—1926 йилларда Ўзбекистоннинг пахтакор хўжалиқлари 237 минг тонна, 1926—1927 йилларда 344 минг тонна дон сотилди. Икки йил ичида пахтакорларга 146 минг тонна минерал ўғит етказиб берилди. Ана шу йиллар ичида Ўзбекистонга 890 трактор, 13 минг от пуги, 10 минг темир борага, 2 мингдан ортиқ қультиватор ва бошқа жиҳ техника келтирилди.

Совет ҳукумати бузилиб кетган ирригация тармоқларини тиклаш ва янги ишпошлар қуриш учун катта маблаг акратди. Тиклаш даври ва биринчи бешйиллик йилларида ирригация ва мелiorация ишлари учун 400 миллион сўм сарфланди. Ирригация ишларини амалга ошириш тўғрисида 100 минг гектардан ортиқ сўғирлагандан ор қишлоқ хўжалик обorотиға киритилди. Буларнинг ҳаммаси совет пахтачилигини тиклаш ва юксалтиришда муҳим роль ўйнади.

Агар 1921 йили Ўзбекистонда 15 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1923 йилда 111 минг тонна, 1929 йилда эса 575 минг тонна пахта олинди.

Ленинча кооператив план социализм қурилишининг тўб масалаларидан бирини ҳал этиш учун қурилган Коммунистик партияга аниқ программа бўлиб хизмат қилди. Қишлоқ хўжалик кооперациясининг ҳамма турларини ривожлантириш, қишлоқда дастлаб ишлаб чиқариш кооперативлари, совхозлар ва МТСларнинг таърибаси ва намунаси, давлат томонидан кооперацияга берилган жуда катта ёрдам мамлакатда қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришга ўтиш ва шу асосда қулоқларнинг синф сифатида тугатиш имконияти яратди. Коммунистик партия душманларидан иборат бухаришчилар группасини дадил фoш этди ва бу группани ўз йўлидан четга уқалатиш ташлади. Бухаришчилар қишлоқда йирик социалистик хўжалиқнинг йирик имкониятига ишончасизлик туғдириб, турлидан-турли сотқинларча иш тутган, мамлакатни Ленин йўлидан чиқариб юборишга уринган эдилар.

1929 йилда қишлоқда буюк ўзгариш рўй берди. Қолхозларга ўрта ҳол деҳқонлар ҳам аъзо бўлиб кира бошладилар. Ўзбекистонда деҳқон хўжалиқларини коллективлаштириш жараёни биринчи беш йиллик охирига бориб туғалланди.

Коллективлаштиришни муваффақиятли ўтказишда мамлакатнинг индустриаллаштириш биринчи дара-

жали роль ўйнади. Бу тадбир ишчилар синфига қишлоқ хўжалигини машина техникаси билан кенг қўламда таъминлашга имкон берди. Агар республика қолхозлари, МТС ва совхозларда тракторлар сони 1928 йили 15 от қучига ҳисоблаганда 235 тага тўғри келган бўлса, 1932 йилда 3627 тага етди.


Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида совет қишлоқда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини тугатишда ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топти. Агар қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулотига социалистик хўжалиқлар салмоғи 1928 йили атиги 3,3 проценти ташкил этган бўлса, қолхоз тузумининг галабасидан сўнг бу кўрсаткич 98,5 процентига етди.

Мамлакатни индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва омма ижодий активлигининг мислииз ўсиши мамлакатнинг пахтачиликдаги мустақиллиги учун курашида буюк галабани таъминлади. 1924—1925 йилларда мамлакатимизнинг тўқима-чилик саноатида қайта шилланган 211 минг тонна толадан 89 минг тоннаси ёки 42 проценти ўзимизда етиштирилиб, қолгандари чет элдан олиб келинган эди. 1932 йилда қайта ишланган 407 минг тонна пахтанинг 386 минг тонна ёки 95 проценти қолхоз ва совхозларда етиштирилди. Бунинг 70 проценти Ўзбекистон ССРга тўғри келди.

Партия Программасида кўрсатиб ўтилгандек, Совет қишлоқининг йирик социалистик хўжалиқга ўтиши иқтисодий муносабатларда, деҳқонлар турмушининг барча уқладида буюк революция бўлди. Жаҳон халқлари эндиликда йирик социалистик ишлаб чиқариш йўлидан бораётган деҳқонлар меҳнатининг самарасини буюк мамлакатларидики меҳнаткаш деҳқонларнинг иш натижалари билан солиштириб қўришлари мумкин.

Шу кеча-кундузда Ватанимиздаги барча қишлоқ меҳнатчилари қолхозчиларнинг Бутуниттифок III съезидига қилган тайёргарлик кўрмоқда. Съезд олди ишлари аниқ олдириб юборилди. Қолхозлар, районлар ва областларда қолхозчиларнинг конференциялари бўлиб ўтди. Бу йирикларда съездга қабул қилинадиган қишлоқ хўжалик артелининг намунаси Устави лойиҳаси муҳомада қилиниб, қолхоз тузумининг босиб ўтган тарихий йўлига яқин ясалди. Ишчилар синфи билан мустаҳкам иттифоқда ва унинг ёрдамида таяниб, қолхозчи деҳқонлар ўтган давр ичида шу қадар катта муваффақиятларни қўлга киритдиларки, бу муваффақиятлар ленинча кооператив планнинг ҳаётдаги аъло ифодасини кўрсатиб турди.

А. МАМЕДОВ, иқтисод фанлари кандидати.



ЗИЛЗИЛА маркази — Қашқар маҳалласини бутун қўриб таниб-тайинлаш. Бу ерда қардош бинокорлар қўли билан йирик йирик микрорайонлар бўлиб этилган. Минглаб ойналар қўл қаватли, кўртам турар-жойларда истиқомат қилимоқдалар. Суратда: «Марказ-5» микрорайонини қўриб турибсиз.

И. Душнин фотоси, (ЎзТАГ).

БЕЖИРИМ МЕБЕЛЛАР

Тошкентдаги «Шарк» мебель фирмаси коллектив беш йилликнинг тўғрисида йилнинг муваффақиятини баъжариш ва В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига олинган социалистик маъбуриятнинг тўла уқдасидан қишлоқ учун астойдил курашмоқда. Барча ҳеч ва уқасталарда шу улут санаи муносиб тортиқлар билан кўнб олиш юзасидан мусобақа қунидаққушга авж олаётти. Унда ишчи-хизматчиларнинг деярли ҳаммаси иштирок этмоқда. Бундан ташқари, қорхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, сифатини яхшилашга қаратилган қўлаб таъминлий-техникавий тадбирлар амалга оширилляпти.

Бу эса яхши самара бермоқда. Давлат планлари ой сайин ортгани билан адо этиляпти. Мебелчилар ўн ойлик ишлаб чиқариш тошхирини республикамиз пойтахти қорхоналаридан орасида бириктирил қатори бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Пландидагидан ташқари уларча минг сўмлик турар-туман уй жиҳозлари — шифонёр, стои, стул, трюмо, тумбачалар ишлаб чиқарили ҳақида савдо похобчаларига етказиб берилди.

И Ф Т И Х О Р

— Ислон, шошмалар бўя. Қара, текис чиқмапти, — деди Мирҳамид.

Бу гапдан бўёқчилик масбани эиндигина ўрганаётган шоғирнинг ёноқларига қизил югурди. Устои унга бўёқчи қандай сурин кераклигини кўрсатди. Мирҳамид йиғидаги хомушлик ифодасини кўрида, меҳрибонлик билан:

— Ислон бўлди, дамнинг ола қол, дастлаб ўзи шунақа бўлади. Кейин бўлган жойларингиз қара, аниқ текис қирибди, — деб қўнглини кўтариб қўйди.

— Чарчаганим йўқ Мирҳамид ана, шогирд шундай деҳқонда ишлаб ҳаёт тарозиси билан ўқилишни кеинга қўчириб, қўрилишга кирди. Ёшларини чаққонлик билан тараётган, яшил учқунларни чақнапти, металлари бир-бирига пайванд қилаётган ва катта-катта белкуралар билан суюқ бетонни қоринтириб, тахталар орасига қувётган қишлоқларга ҳавас билан боқиб, шулардек бўлишни орау қиларди.

Бир кўни бригадир Х. Пулатов уни олдига чақириб олдида:

— Мирҳамид, биламиз, касб ўранишга иштёқинг баланд. Эртадан бошлаб менга шогирд тушмайсанми? Бўёқчиликни ўргатаман, — деди.

Касб ўранишда Мирҳамид анча қийналди. Гоҳида «боре» деб қурилишдан кетмоқчи ҳам бўларди. Ленин, бригадирнинг меҳрибонлиги сира қў олдин кетмас, гўё «Мирҳамид, сендан шунини кутганимиз» дейётгандай бўларди. Охири бу муаммонинг аниқ яқин қилиши — ола-қоғди ёрилди.

— Утдим, — деди онаси Салимабон, — қурилишда ишлаб кам бўлганим йўқ. Ҳа-

лол меҳнатинг билан обрў-эътибор қозондинг. Агар қалпимга кирсанг, шу ишнингдан қолма. Дарахт бир жойда қукаради...

Бир кўни туш пайти эди. Бригадир ҳаммадан йиғдида:

— Бир маслаҳатли иш чиқиб қолди. Шунини ҳал қилиб олсан, нима дейсанлар, — деди. — Мени ҳам бошқа трестга ишга ўтказишляпти.

— Устоз нега бунақа бўлиб қолди? — дейишди қурувчилар. Ҳозирча бўлиш сабабларини қўя туринлар, кимни бригадир қилиб сайлабмиз?

ИШЧИ НОМИ— ШАРАФЛИ НОМ

— Менда бир таклиф бор, — деб давом этди бригадир, — Мирҳамидни ўрнига қолдирсам, нима дейсанлар...

Кечаги шогирд бугун устоз! Мирҳамид биринчи кўнларда, ноқ бригадирликнинг оғирлигини ҳис эта бошлады.

Орадан ойлар ўтди. Аста-секин Мирҳамид Абдуллаев бошлиқ комплекс бригада «Жилстрой» трестига қарашли 54-қурилиш бошқармасида пешқадмлик қила бошлады.

Биз бригадир билан сўхбатда, ишнинг қандай ташкил қилингани ва ўз иш методлари тўғрисида сўраганимизда, Мирҳамид ана қўйидагича жавоб бердилар:

— Ишдан бориб, дам олгандан сўнг, бригадирнинг эртанги ишларини планлаштириш қўлам, қурувчиларни ишга таслимлайман. Бу ҳар бир ишнинг таъсирли баъжариш учун омил бўлади. Бригадирнинг қўнчилик аъзоси уй-тўрт касб эга-



ТОКАРЬ В. Карманский санъатия-техника жиҳозлари заводида бир неча йилдан бери меҳнат қилмоқда. У қувилик жоржани доим 110—120 процент адо этмоқда. Суратда: В. Карманский иш устиди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ФАРЗАНДЛИК НОМИГА ИСНОД»

«... — Урма ўғлим, урма! ишит-гайлар нима дейди? Бадном бўлмагин, болам...»

Эй воҳ, қандай бедодликки, ҳаётда шундай фарзандлар бўлар экан! Беозоргина термулиб, дунёга меҳр тургани соиб турган дунёни илтиқоли, қўзлари бирдан тикиди, боши гангиди. Гандирақлаб бориб, девор тагига йиқилди...

Бу сатрлар газетамизнинг шу йил 30 сентябрь сониди «Бир ҳафта назарда» рубрикаси остида юқоридики саралаш билан бошланган мақолада келтирилди. Мақола Чилонзор райониди «Хизматчи» маҳалласида яшовчи 3-автомобил нат шофери Исроил Қосимов ичкиликка берилиб, кеясайиб қолган ота-онасини ҳақоратлаб, беҳушлат қийаётган ҳақида эди.

Маакур мақола муносабати билан яқинда «Хизматчи» маҳалласи аҳолисининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қўшни «Олмазор», «Эгирчи», «Коммунизм» маҳалла-лари активлари, шунингдек, район партия комитети инспектори Тош-

корнева, автокомбинат партия ташкилотининг секретари Раҳматуллаев ўртоқлар ҳам иштирок этишди.

И. Қосимовнинг ҳуққ-аъвори, она безорилик жиддий муҳонами қилинди. Мажлис аҳли томонидан И. Қосимовнинг инсон фарзандига номуносиб ҳаёт-ҳаракатлари қатъин қораланди ва уни маҳалладан бағадга қилиш масаласи қўйилди. Шунда И. Қосимов йиғилганлар олдига бош эгиб, ота-онасини ва маҳалла аҳолисини гуноҳини афв этишини сўради. Бундан кейин ичмаслинига, ота-онасини иззат-ҳурматини доимо баҳо келтиришга қатъий сўз берди.

Ота ва она — Инобат Қосимова ва Эргаш Қосимовлар Исроилнинг гуноҳини кеңиришди. Шу тўғрисида мажлис аҳли И. Қосимовни сўнгги марта оғодланганди. Бундан кейин ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик қилиш сизилган тақдирда унга жиддий чора қўришга қарор қилинди.

ПОКИСТОН БУЮРТМАСИ БИЛАН

«Таштекстильмаш» заводига Покистондан 90 та «П-66-5М3» маркали йиғирув машинаси тайёрлаб бериш буюртмаси келган эди.

Қорхона ишчи-хизматчилари ана шу машиналарни график асосида буюртмачиларга етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилишляпти. Бунда 6-йиғирув цехи ишчиларидан В. Висоцкий, Р. Абдуали, А. Обидов ва К. Ғозиев ўртоқлар ажойиб ютуқларни қўлга киритишляпти. Улар қувилик иш нормасини 140—150 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишляпти.

— Цехимиз бир суткада график бўйича 7 та машина йиғмоқда, — дейди шу цех бошлиғи ўртоқ Ден Дор Цой. — Бу покистонлилар буюртмасининг ўз вақтида бажарилиши учун гаровдир.

А. КИМ.

Цех бошлиғи ўртоқ Рифат Эмиралиев

Тошкентдаги асбоб-созлик заводига 25 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг қўйиллик меҳнат жараёнида ўйлаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Суратда: Рифат Эмиралиев ўз шогирди В. Поплавскийни ишнинг қўзда кечиришда.

И. Шокирмонов фотоси.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

Ленин ордени «Таштекстильмаш» заводи коллектив партия ташкилоти раҳбариятида мамлакат тўқимачилик саноатини керакли машина ва ускуналар билан таъминлашда йил сайин муҳим ютуқларни қўлга киритмоқда. Завод партия комитетининг ҳисобот-савло конференциясида бу муваффақиятлар яна бир бор тилга олинди.

— Ҳисобот даврида биз планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлашни амалга оширдик, — деди докладчи завод партия комитетининг секретари А. П. Степанов. — Хўжалиқни янгича боқариш усули биздан партиявий-ташкилий ишларни янада тақомиллаштириш, оммавий-сиёсий ишлар савиясини ошириш, цех партия ташкилотлари, партия группалари ишнинг жонлантириш ва улар жамиятнинг оширишнинг талаб эҳмоқда.

Қорхона партия ташкилоти ҳам ҳисобот даврида қатор ташкилий-тарбиявий тадбирларни қўрди. Пировавда қорхонада 1969 йилнинг ўтган уй қварталида маҳсулот реализациясини 101,3 процент адо этилди. Планага қўшмича равишда 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унвондорлиги планга нисбатан 2,8 процент ошди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш тўғрисида 150 минг сўмлик фойда олинди. Реализация қилинган маҳсулотлар пландан ташқари 80 минг сўмлик соф самара берди.

Ишлаб чиқариш жараёнлари тақомиллаштириш, янги халқ конструкторияти серурум маппиналар билан мамлакат тўқимачилик саноатини таъминлашда тўқимачилик машинасозлиги махсус конструкторлик-технологик бюроси коммунистлари алоҳида рағбат кўрсатмоқдалар. Ҳозирги пайтда бир қатор янги агрегатлар серияли усулда ишлаб чиқаришмоқда. Завод конструкторлари Иттифоқда биринчи бўлиб ойна толасини арқонлайдиган машина конструкциясини ишлаб чиқардилар. Бу хил агрегатларнинг дастлаб намуналари ишлаб чиқариш саноидан муваффақиятли ўтмоқда.

Завод партия ташкилоти ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технологияни жорий этиш устидан пухта контроль ўрнатган. Утган тўқиз ой давомида цехларда 250 дан ортиқ ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар натижа 380 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирди. Рационализаторлик ва иштирокчилик тақдирларини амалга

ошириш йўли билан 70 минг сўмлик фойда қўрилди. Бу соҳадаги план 20 процент ортгани билан баъжарилиди.

Қорхонанинг ички хўжалиқини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида, рағбатлантириш фондларидан фойдаланишда ва қўнимсизликка қарши курашда коммунистлар олдига ҳал тайлай вазифалар турибди.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ҳам хўжалик соҳасида эришилган муваффақиятларни тилга олиш билан бирга коллектив ўртасида тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва бу соҳада қўрилаган тадбирлар самарадорлигини ошириш лозимлигини алоҳида уқтирдилар. Нотиқлар бу соҳадаги ҳақиқатларни қатор нуқсонлар борлигини ташвишланиб

Қорхонада коммунистлар сиёсий билимини оширишда сўнгги йилларда талайгина ишлар амалга оширилди. 3 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи сиёсий ўқувнинг турли хил тўрака ва семинарларига жалб этилди. Завод ҳузурида кеини марксизм-ленинизм университети ташкил этилди. В. И. Ленин асарлари, сиёсий иқтисод, фалсафа, КПССтарихи семинарлари ишлаб турди. Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш бўйича турр йиллик мактаб очилди. Комсомол-ёшлар учун эса Ленин дарслари тўғрисида ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда қорхона партия комитети В. И. Ленин меҳроси, К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларини чуқурроқ ўрганиш тадбирларини қўрайпти. Бу тадбирлар ишчиларнинг биринчи навбатда ёшларнинг сиёсий билимини оширишда, уларни коммунизм ишига садоқатли қилиб тарбиялашда кўл келаяпти.

Завод ёшлари бу йилги ленинча саноатларда дохилмиз алоҳида рағбат кўрсатмоқдалар. Ҳозирги пайтда бир қатор янги агрегатлар серияли усулда ишлаб чиқаришмоқда. Завод конструкторлари Иттифоқда биринчи бўлиб ойна толасини арқонлайдиган машина конструкциясини ишлаб чиқардилар. Бу хил агрегатларнинг дастлаб намуналари ишлаб чиқариш саноидан муваффақиятли ўтмоқда.

Завод партия ташкилоти ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технологияни жорий этиш устидан пухта контроль ўрнатган. Утган тўқиз ой давомида цехларда 250 дан ортиқ ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар натижа 380 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирди. Рационализаторлик ва иштирокчилик тақдирларини амалга

П. КОСТИН.



